



**O'ZBEKISTON
MILLIY
UNIVERSITETI**

XABARLARI

**IJTIMOYIY-GUMANITAR FANLAR
YO'NALISHI**



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУГ'БЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Абдуллаев Э. Темурийлар даврида амир, бек унвонлари масаласининг илмий адабиёт ва хориж манбаларида ёритилиши.....	4
Зиёев Ш. Марказий осие давлатлари – европа иттифоқи сиёсий алоқалари тарихшунослиги.....	7
Инсопов А. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожланишида хорижий давлатлар тажрибаси ва амалиёти.....	10
Қудратов Д. Ўрта асрлар урбанизация жараёнларининг таҳлиллари (умумийлик ва ўзига хослик).....	14
Рашидов О. Ўзбек зиёлилари ижодида миллий ва пролетариат мафқураси ўртасида кураш.....	18
Турсунов Р. XIX асрнинг 2 ярми - XX аср бошида туркистон ўлкасидаги экологик ҳолат ва сув ресурслари таснифи.....	22

Фалсафа

Alimboyeva R. Mustaqillikning dastlabki yillarida o'zbekistonda jismoniy tarbiya va sport: xalq ta'limi tizimida.....	27
Alimova K. Techniques of developing lexical skills and their implementation.....	31
Аманов Ғ. Ёшлар ижтимоийлашувида маънавий – ахлоқий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари.....	34
Атаҳўжаев В. Миллий кадриятлар тизимида комил инсон масалалари (оила маънавияти мисолида).....	37
Атоев F. Talabalariga axborot texnologiyalari fanini o'qitishda elektron ta'lim resurslari o'rni.....	41
Akhmadjonova K. Communication strategies of children in situations introduction of new vocabulary in a foreign language.....	44
Beknazarova S., Qahramonova X. Texnika ixtisosligi talabalarida informatsion kompetentlikni shakllantirish metodikasining informatsion-analitik imitatsion modellardan foydalanish.....	48
Bo'ronova G. COVID-19 pandemiyasi davrida robototexnika to'garaklarini virtual didaktik vositalar yordamida tashkil etish samaradorligi.....	51
Ғозибеков Т. Манший-турмуш доирасидаги турли зўравонлик ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари, илмий таҳлили ҳамда уларнинг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	55
G'ofurova S. Strategies to increase critical thinking skills in english language teaching.....	59
Daminova G. Zamonaviy ta'lim muhitida integrallashgan kimyo darslarini tashkil qilish.....	62
Dekhkanova N. The use of innovative technologies in teaching in medical universities.....	66
Джураева Д. Муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш модели.....	69
Замилова Р. Вопросы формирования исторического мышления будущих учителей при изучении исторических наук.....	72
Илхамова Д. Клиническая характеристика психологических расстройств у детей, больных хроническими соматическими заболеваниями.....	77
Инамова Г. Юқори синфларда инглиз тилини аудиовизуал воситалар ёрдамида тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришдаги муаммолар.....	82
Ишқобилов Ф. Компьютер имитацион моделлар асосида зоология фанидан угленоидларнинг тузилиши ва ҳаракатларини виртуал лабораториясини яратиш технологияси.....	85
Карамян М. Психологическое благополучие как фактор ценностного отношения личности к здоровью.....	90
Кўнгиров И. Ижтимоий шериклик моделининг такомиллашуви жараёнида фуқароларнинг сиёсий маданияти.....	94
Qurbanov A. Bo'lajak muhandis-elektriklarning kasbiy sifatlariga qo'yiladigan zamonaviy talablar.....	97
Мажитов М. Шахс шаклланиши жараёнида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти.....	101
Маматов З. Ижтимоий-сиёсий қарашлар тарихида фуқаролик жамияти ғоясининг тараққиёти.....	105
Мамаюсупова И. Ўспиринлар ўртасидаги ўзаро муносабатларидаги низоларларининг экспериментал жиҳатдан ўрганилиши.....	108
Mahkamova L. Insult kasalligi bilan xastalangan bemorlarda afaziyalarning namoyon bo'lish xususiyatlari.....	112
Мираширова Н. Талаба-психологлар касбий камолотида ижтимоий-психологик портретининг аҳамияти.....	116
Mirgiyazova M. Common problems caused by testing and assessment in learning legal english and test modification process (in an example of tsul).....	120
Мустафаева Н. Инглиз тилида ёзма нутқ компетенциясини ривожлантиришдаги қийинчиликларни бартараф этишда мультисенсорли ёндашуви хики методи.....	124
Nuraliyeva N. Boshlang'ich ta'lim o'qituvchilarni malaka oshirish jarayonida kasbiy-ijodiy faoliyatini rivojlantirish.....	127
Отамуродов Ғ. Таълим соҳасида педагог кадрларни малакасини оширишда хориж тажрибасининг назарий ва илмий асослари.....	130
Radjabova A. Gender fenomeniga sharq va g'arb falsafasidagi munosabat.....	134
Raxmanov E. Yunon-rim kurashida kombinatsion hujum harakatlarini takomillashtirish yo'llari.....	137
Рябова М. Разработка методики диагностики семейной истории и семейных традиций.....	142
Самадов Ғ. Рақамли технологиялар муҳитида сиёсий лидер имижини бошқариш.....	146
Саъдиева Г. Давлат хизматчиси фаолиятини мувофиқлаштиришнинг методологик муаммолари.....	150
Сейтова З. Концепция устойчивого развития общества – признание общих интересов человечества.....	154
Туйчиева М. “Адабиёт” дарсликларидаги ўқув материаллари таҳлили.....	157
Туниянц А. Возрастная динамика переживания счастья в семье (гендерный аспект).....	161
To'raxonov F. Fizika o'qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanishning didaktik asoslari.....	165
Турғунова Г., Гафорова М., Закирова Э. Фокус-группы как метод изучения представлений студентов о семье.....	168
Туркменова М. Талабалар толиқишини олдини олиш.....	172
Tursunov Q., Shohimardonov J. "Milliy dastur" asosida yaratiladigan zamonaviy ta'lim dasturi tahlili.....	175
Urinov B. Oliy ta'limda ta'lim sifati.....	179
Файзиева О. Техника тройного прыжка с разбега и методы его обучения студентам.....	182
Хайдарова А. Виртуал фуқаролик жамияти концепциясининг фалсафий меъзонлари.....	186
Хасанова Н. Қандли диабетда шахснинг касалликка ва даволанишга муносабатининг хусусиятлари.....	190
Хафизова У. Философские основы языка религии.....	195
Холназарова Д. Талабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар.....	198
Ҳамроев Ғ. Она тили таълимида ўқув топшириқларини такомиллаштиришнинг лингводидактик хусусиятлари.....	202
Cho'liyev A. Voleybol – inson salomatligining omili sifatida.....	206

Shirinqulova Sh. Tibbiy yo'nalishdagi ta'lim muassasalarida tibbiy informatika metodikasi.....	210
Эмирова Е. Метод экстраполяции в смене парадигм научного познания.....	214

Филология

Абдувахабова Д. Экспрессивлик ва эмотивлик категорияларини коммуникатив-прагматик хусусиятлари.....	217
Abdujabborova X. Alisher Navoiy asarlarida "faylasuf" termini ma'nosini bildiruvchi so'zlar talqiniga doir.....	220
Абдуллаев А. Жой номларида миллий-маданий белгиларнинг акс этиши (Тошкент вилояти топонимлари мисолида).....	223
Abdullayeva K. Comparative analysis of english and uzbek folklore genres.....	227
Абдухамидова Д. Значение 家-из-«дом» в системе имен родства в японском языке.....	230
Авилова К. Тиббий терминологиянинг лингвистик хусусиятлари, "тиббий атама" тушунчаси ва унинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи.....	233
Азимов И. Иброҳим Тоҳирийнинг тил ва имло масаласига муносабати.....	237
Ахмедова О. "Ё рамазон" кўшиқларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиш ва талқини масалалари.....	241
Vaxodirova Sh. Psicholingvistik yondashuvga doir tadqiqotlar tarixi va tavsifi.....	244
Бобокалонов П. Француз ва ўзбек тилида каноник модели гап, каноник модели гапларнинг прагматик хусусиятлари, гап таркибидagi унсурларнинг объектив ва субстанционал қиймати.....	248
Давронова Ш. Адабиётда контраст тасвирлаш усули (Исажон Султоннинг "Олисдаги урушнинг акс-садоси" ҳикояси мисолида).....	250
Djamalxodjayeva G. Muhammad Yusuf dostonlarida maqol va matallarning ifodalanishi.....	253
Дўстмаматова Н. Форма сравнительной степени прилагательных.....	256
Зоирова А. Феминистик тадқиқотларда гинокритик ёндашув.....	260
Избаева Н., Гафурова У. Некоторые размышления о термине «школы в науке».....	263
Икромхонова Ф. Типологик таҳлиллар (тарихий асарлар мисолида).....	266
Ишанжанова М. Француз ва ўзбек матнларида макон дейксисининг стилистик таҳлили.....	269
Matkarimova A. Linguopragmatic and linguoculturological features of language means expressing the semantic field of "respect".....	273
Мирханова Г. Синоним сўзлар ўқув лугатининг мегакурилиши.....	276
Mirsharipova Sh. Tarixiy romanlarda temuriy malikalar obrazi talqini.....	279
Муллаева С. Мултимедиявийликнинг анъанавий матбуот материалларига таъсири.....	283
Обиджонова М. Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ҳикояларида фан-техника тараққиётига муносабат.....	287
Расулова Г. Айрис мёрдокнинг «Кўнғирок (the bell)» романида композиция курилиши.....	291
Раҳимов З. Бадииятда изтироблар талқини.....	295
Хурсанов Н. Драматик асарлардаги вербал компонентларнинг социопрагматик хусусиятлари.....	298
Шодиева Ш. Концептнинг лисоний воқеланиши.....	301
Eshniyazova A. Zamonaviy qissa poetikasida ramz va metafora.....	304



УДК: 821.512.133-31Султон.091

Шоҳсанам ДАВРОНОВА,
БухДУ доценти, филология фанлари доктори (DSc)
e-mail. davronova-sh@mail.ru

СамДУ доценти, филология фанлари доктори (DSc) М.Давронова тақризи асосида

АДАБИЁТДА КОНТРАСТ ТАСВИРЛАШ УСУЛИ (ИСАЖОН СУЛТОННИНГ “ОЛИСДАГИ УРУШНИНГ АКС-САДОСИ” ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА)

Аннотация

Мақолада Исажон Султоннинг “Олисдаги урушнинг акс-садоси” ҳикоясида контраст усулидан фойдаланиш маҳорати тўғрисида сўз борган. Ҳикояда контрастнинг ўрни ва ёзувчининг бадий маҳоратига оид қарашлар баён этилган. Асарда контрастнинг ижодкор бадий ниятининг ифода этилишидаги аҳамияти очиб берилган. Ҳикоя бадий қимматининг ошишида контрастнинг муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги мисоллар асосида асосланган.

Калит сўзлар: ҳикоя, тасвирий ифода воситалари, контраст, бадий ифода, параллел тасвирлаш, бадий маҳорат, иждодий ният, Исажон Султоннинг “Олисдаги урушнинг акс-садоси” ҳикояси, бадий ғоя.

КОНТРАСТИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ МЕТОДА В ЛИТЕРАТУРЕ (НА ПРИМЕРЕ РАССКАЗА ИСАДЖАНА СУЛТАНА “ОЛИСДАГИ УРУШНИНГ АКС-САДОСИ” («ЭХО ВОЙНЫ ВДАЛЕКЕ»))

Аннотация

В статье рассматривается умение Исаджана Султана использовать контрастный метод в его рассказе «Олисдаги урушнинг акс-садоси». В повести исследуется роль контраста и взглядов на художественное мастерство писателя. В спектакле раскрывается важность контраста в выражении творческого художественного замысла. История основана на примерах того, как контраст играет важную роль в повышении художественной ценности.

Ключевые слова: рассказ, средства выражения, контраст, художественное выражение, параллельные образы, художественное мастерство, творческий замысел, рассказ Исаджана Султана «Олисдаги урушнинг акс-садоси», художественная идея.

CONTRASTIC DESCRIPTION METHOD IN LITERATURE (ON THE EXAMPLE OF ISAJAN SULTAN'S STORY “ОЛИСДАГИ УРУШНИНГ АКС-САДОСИ” (“ECHOES OF WAR IN THE DISTANCE”))

Annotation

The article discusses Isajon Sultan's skill in using the contrast method in his story named as "Olisdagi urushning aks-sadosi". The story explores the role of contrast and views on the writer's artistic skills. The play reveals the importance of contrast in the expression of creative artistic intention. The story is based on examples of how contrast plays an important role in increasing artistic value.

Key words: story, means of visual expression, contrast, artistic expression, parallel imagery, artistic skill, creative intention, Isajon Sultan's story "Olisdagi urushning aks-sadosi", artistic idea.

Кириш. Бадий асарнинг поэтик жозибаси ва таъсир даражасини оширишга ёрдам берадиган усуллар орасида контрастнинг алоҳида ўрни бор. “Бадий асарда бир-бирига зид бўлган нарса ва ҳодисалар, масалан, ёруғ ва қоронғи, қувонч ва ғамгинлик, қулги ва фожияларни табиий ёнма-ёнликда тасвирлаб, кайфият пайдо этиш усули мавжуд бўлиб, уни мутахассислар контраст деб атайдилар” [1]. Бунда ижодкор бир неча характерлар, воқеа-ҳодисалар, белги-хусусият ва ҳолатлар тасвирини қарама-қарши тасвирлаш орқали поэтик мазмунни кучайтишга эришишни мақсад қилади. Контраст тасвирга олинган предмет ёхуд ҳолатларнинг конкрет хусусиятларини кескин таъкидлаш орқали очиш имконини яратади.

Замонавий ўзбек адабиётининг таниқли намоёндаларидан бири Исажон Султоннинг ҳикоячиликдаги маҳоратини белгилловчи муҳим жиҳатлар қаторида бадий ғоянинг хилма-хил поэтик усуллар асосида юзага чиқаришга интилишини ҳам таъкидлаш мумкин. Айниқса, ёзувчи ҳикояларида кўзга ташланадиган контраст ва шунингдек, параллел тасвирлаш усули, метафорик ҳамда рамзий ифода йўсини бадий тасвирнинг жонли, ёрқин, образли, таъсирли тарзда юзага чиқишига йўл очади. Контраст

тасвирланаётган нарсани бўрттириб, қабартириб кўрсатиш имконини беради. Фикрларимизни адибнинг “Олисдаги урушнинг акс-садоси” ҳикояси мисолида асослашга ҳаракат қиламиз.

Ҳикояда контраст бир неча хил кўринишда намён бўлади ва ёзувчи бадий ниятининг турли томонлама ёритилишига хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Контраст бадий усул сифатида қадимдан қўлланиб келади. Маълумки, миллий адабиётимизда контраст усули ҳикоячиликда Абдулла Қодирий тажрибасида синалган эди. “Улоқда” ҳикоясида адиб қувонч билан ўлимни ёнма-ён тасвирлаб, инсонни ҳамиша ақлу идрок билан иш тутишга ундайди, маърифатга, маънавий юксалиш ва маданий турмушга интилиб яшаш ғоясини илгари сурди” [1]. Айнан зидлаб тасвирлаш орқали адиб китобхоннинг яхши ва ёмон, керакли ва зарарли ҳолатлар ҳақидаги тасаввур ва ҳулосаларини кенгайтиришга интилади. Бирок “Ёзувчи бу асарда воқеалар устида муҳокама қилмайди, тушунтирмайди, исбот қилмайди, балки образлар билан кўрсатади. Бу ҳикояда ҳам фойдасиз одатларни қоралайдиган маълум “ахлоқ”, “ибрат” бор, лекин бу ахлоқ туртиб чиқмайди” [5]. Ёзувчи воқеа-ҳодиса ва

ҳолатларни контраст асосида тасвирлаш орқали китобхонни мустақил хулоса чиқаришга йўналтиради.

“Контраст бадиий асарнинг барча сатҳларида (тил, сюжет, характер ва шароит, композиция) намоён бўлиши, унда зидлаш ошқора ёки пинҳона амалга оширилиши мумкин. Жумладан, контраст тил сатҳида антитеза (ёки тазод) кўринишида, сюжет сатҳида бир воқеа (ёки ҳолат)нинг иккинчи воқеа (ёки ҳолат)га қарши қўйилиши (мас., «Зумрад ва Қиммат») тарзида, композиция сатҳида эса асарнинг бир қисmini иккинчи қисмига қарши қўйиш (мас., Чўлпон. «Новвой киз») орқали намоён бўлади” [11].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Исажон Султоннинг “Олисадаги урушининг акс-садоси” ҳикоясида контраст алоҳида ўрин тутади. Ҳикоянинг деярли барча сатҳларида контрастнинг кузатирилганлигига гувоҳ бўламиз. Ёзувчи психологик ҳолат, бадиий манзара ва қаҳрамон тасвирида, бадиий ифода тарзида контраст усулини қўллаш орқали ўқувчини фикрлашга, хулоса чиқаришга ундайди. Ҳикояда контраст усули асар сюжети ва композицияси, портрет ва пейзаж ва ёнма-ён тасвирлаб борилган ҳолат тасвирларида кузатилади. Шунингдек, қаҳрамоннинг ички оламида кечадиган зиддиятли ҳолатлар тасвирини юзага чиқариш ҳамда сўз қўллаш жараёнида ҳам ижодкор контраст воситасидан фойдаланган ва поэтик фикрни таъсирчан тарзда ифода этишга эришган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). “Олисадаги урушининг акс-садоси” асари воқеалари ҳикоячи қаҳрамон тилидан баён этилади. У хотирасида муҳрланиб қолган бир воқеани китобхонга сўзлаб беришни истайди. Аммо ушбу истагини рўёбга чиқариш жараёнида ҳам уни қандайдир иккиланиш, истиҳола қамраб олганлиги кўринади. Ҳикоя қилиб бераётгани мазкур воқеа, балки шунчаки жўн, қизикарсиз бўлиши мумкинлиги, ҳаттоки, унга диққат қаратаётганларнинг юзида табассум уйғониши мумкинлиги тахмин этилади: “Баъзи кишилар кулимсираб қўйишини ҳам сезаётгандайман” [6]. Шунга қарамай, ҳикоячи бошидан кечирган, “айтишга ҳам тараддуланиб турган” бу воқеани баён этиш истагидан воз кечмайди. Кўриняптики, контраст ҳикоя композициясидаёқ намоён бўлмоқда. Асарнинг ана шундай қурилиши ёзувчининг китобхонни қизиқтириш ҳамда ҳикоя этилиши қутилаётган воқеага олиб кириш мақсадига хизмат қилмоқда.

Воқеа баёнига кўра дўстлари билан қўл бўйига дам олишга чиққан қаҳрамон, табиийки, ҳордиқ чиқариш, дўстлари билан табиат қўйнида ором олиш истагида, яъни умуман олганда, яхши кайфиятда бўлади. Аммо бўлиб ўтган воқеа туфайли қаҳрамон ва унинг ёнида бўлган дўстлари кайфиятида тушкунлик, хиралик пайдо бўлади ва бу ҳолат унинг руҳиятига кучли таъсир кўрсатиб, ҳаттоки хотирасида ҳам муҳрланиб қолади. Яхши кайфиятда дам олишга борган қаҳрамон, сафардан тушкун ҳолатда қайтади. Натижада эса у кейинчалик ҳам бундай саёҳатларга рағбат кўрсатмайдиган бўлиб қолади. Демакки, асар сюжетида бир воқеа ёки ҳолатнинг иккинчи бир воқеа ёки ҳолатга қарши қўйилиши кузатилади.

Табиатнинг фусункорлигидан ҳайратга тушган дўстлар айна пайтда борлиқдаги ҳайратланарли, ажиб ҳолатларга ҳам гувоҳ бўладилар. Китобхон кўз ўнгига баҳор фаслининг бетакрор манзараси жонлангирилади. Контраст ёзувчининг ёввойи табиат манзарасини бадиий акс эттиришида кўзга ташланади: “Кўл бўйи, бақақурриллоқ. Тунги самодаги тилларанг ой. Сув ёқасида тимирскланиб юрган қора шарпа” [6]. Самодаги тилларанг ой билан ёнма-ён тасвирланган бақақурриллоқ ва қора шарпа фарахбахш ҳаловатнинг тўзғишидан нишон берувчи ишорадек кўринади. Ёзувчи ана шундай ёнма-ён тасвирлаб борилган зид ҳолатлар ифодаси орқали

китобхонни воқеа-ҳодисларнинг кейинги жараёнларига тайёрлаб боради.

Асарда контраст хилма-хил ҳолатлар тасвири асосида кучайтириб борилади. Дастлаб борлиқда тинчлик, сукунат кузатилади. Дўстлар ҳам бу ҳолатдан мутаассир бўладилар. “Сукунатдан қулоқни шангиллапти” [6], дейди дўстлардан бири. Кейинроқ яна бири “Тинчлигини қара-я” [6] дея ҳайратини ифода этади. Бироқ вақт ўтиб атрофни қамраб олган кечки қоронғилик улкан қизғиш ой ёғдусида ўзгача тус ола бошлағач, “Саддан кейин, оймомо янада ҳаволагани маҳал тўсатдан бақалар хониши бошланиб кетди” [6]. Энди тинчликка тамоман тескари бўлган ҳолат юзага келади. “Теварак вақир-қуқир сасларга тўлди” [6]. Кўриняптики, воқеларнинг юзага келишига сабаб бўлган вазият учун ҳам ёзувчи контраст усулини асос қилиб олган. Сукунат ва шовқинли ҳолат тасвири бўлиб ўтажак кейинги воқеаларга туртки беради.

Контраст асарда китобхон диққати қаратилган жониворлар тасвирида ҳам кузатилади. “Ўзи кўринмайди, аммо овози қулоқни ёради” [6], дея ҳикоя қилади улар ҳақида ҳикоячи қаҳрамон. Демакки, овози қулоқни ёрадиган жониворлар ўзларининг имкониятларига зид равишда кичкина ва ҳаттоки, кўзга ташланмайдилар ҳам. Уларни ана шундай зидлиқда тасвирлаш орқали ёзувчи бадиий манзаранинг бўрттириб тасвирлашга ва китобхоннинг диққатини тортишга эришган.

Яна бир контраст ҳикоячи қаҳрамоннинг тасаввурларига зид бўлган ҳолат тасвирида юзага чиқарилган. “Тоғ халқини содда-самимий деб ўрганиб қолганмиз. Бу камгап, қошлари ўсиб кетган, бутун туриш-турмуши шу баҳор манзарасига мос тушмайдиган киши, қўлида болтаси, бултурги қуриган шох-шаббаларни бутаб юрарди” [6]. Кўриняптики, қаҳрамон тоғ одамларини дилкаш ҳамсухбат, одамхон кишилар бўлишини тасаввур қилган. Бироқ унинг кўз ўнгига ўзгача манзара намоён бўлмоқда. Яъни қўл қоровули аксинча “озгин, юзи чўтир-чўтир, бармоқлари қийшиқ киши экан”. Қолаверса, унинг кўзларидаги “совуқ йилт этиш”, “паст бўғиқ овоз”, арзимаган ишга пул талаб қилиш, “руҳсиз овоз”, “ғўлдираш” ҳолатлари ҳикоячининг мавжуд тасаввурларига тўлалигича тескари келган эди.

Қўл қоровули бақаларни тинчтишнинг қутилмаган бир усулини қўллайди. “Ой нурида жуда жўшиб сайраётган биттаси бор экан. Тутиб олиб бошидан эзиб ўлдирдим-да, қайтиб сувга отиб юбордим” [6], дейди у дўстларнинг саволларига руҳсиз жавоб бериб. Натижада эса теварак-атроф тинчиб қолади. Аммо энди қаҳрамонларнинг ички оламларида ғалаён кўзғалади. Юзага келган ҳолатга мутаносиб равишда воқеа гувоҳлари – дўстлар ҳам қўл қоровулининг бу ғайритабиий ҳаракатига муносабатларини очиқ юзага чиқармайдилар. Бироқ улар энди “ўлик бақа бор қўлга” чўмилгани тушгилари келмайди. “Агар дўстларимиздан бири хато қилмаганида, у воқеа рўй бермас, менинг ичимда ҳам шу ачинишу ҳайқиришлар бино бўлмасмиди? Афсуски...” [6], дея хотирлайди ҳикоячи.

Асарнинг ушбу ўрнида ҳикоячи қаҳрамоннинг ички оламида яна зиддият кечганлиги англашилади. “Болалигимда ўзим ҳам нечтасини ўлдирганман-ку! Ниначиларнинг қанотини юлиб олганман, хивчин билан уриб қанчадан-қанчасини жонидан жудо қилганман, таъсирланмаганман-ку”, тарзидаги ўйлар кечади унинг кўнглидан. Аммо бу ўйлар унинг мутаассир қалбига таскин бера олмаганлиги сезилиб турарди.

Ёзувчи воқеа-ҳодисалар баёни жараёнида параллел тасвирлаш усулидан ҳам маҳорат билан фойдаланиб боради. Масалан, қуйидаги парчани кузатайлик: “Ҳаёлимда ҳали-ҳануз ўша, сокин жимираган сув. Ҳаволаб кетган ой, қўл ёқасида шамдай қотиб турган

киши ҳамда биргина, бор-йўғи биргина жинсдошининг ўлдирилганидан кўриб, то сахаргача дами ичига тушиб кетган беозор махлуқлар” [6]. Бунда аксини топган “сокин жимирлаган сув”, “шамдай қотиб турган киши”, “дами ичига тушиб кетган беозор махлуқлар” ҳолатларидаги яқинлик юзага келган манзара тасвиридаги уйғунликни намоён этади.

Қолаверса, ёзувчи воқеаларга параллел равишда туш воситасидан ҳам фойдаланади. Ҳикоячи қаҳрамоннинг тушига болалиги киради. Болалиги, ўзи каби навқирон дарахтлар, унда бобоси, энаси, отасининг тирик эканлиги, унга кулиб қараб туришгани, кўм-кўк олмадор тасвирлари асосий воқеалар занжирида тасвирланган баҳор тасвирига параллел қўйилади.

“Қушлар сайроғидан уйғондим”, деб ҳикоя қилади ҳикоячи. Энди улар ҳам қаҳрамонни фикрлашга ундайди: “Шуларниям биронтасини ўлдириб, дарахтга осиб қўйса, қолганлари чуғурламасмикин” [6], деган ғалати ўйни бошдан кечиради у. Ундаги бу ўй китобхонни ҳам фикрлашга чорлайди. Бақалар, қушлар рамзи мисолида ўқувчини борлиқ ва ундаги жонли, жонсиз мавжудотнинг азалий моҳиятида жо бўлган ҳақиқатларни англашга ундайди. Жонли табиатнинг ғаройиб қонуниятлари инсонларга ҳаёт ва мамот фалсафасидан сабоқ беради. Ёзувчи бадий ниятида акс этган мазмун асар сарлавҳасида кузатилган “олисдаги урушнинг акс-садоси”га қаратилганми? Ҳикоянинг биргина ўрнида уруш ҳақида тилга олинган. “Афғонда... Урушда... Шунақа қилардик!” [6], дейди қўл қоровули. Ёки бу олисдаги урушнинг акс-садоси инсонларнинг қалбига кўркув, ҳадик, ётираш, ғалаён, жимлик ва абадий ғашлик соясини солиб турувчи ёвузликнинг рамзими? Шу боисдан ҳам қаҳрамон ҳаёлларида қўл қоровули ваҳшийликнинг тимсоли бўлиб муҳрланиб қолади: “У қиёфа яна кўп манзараларни ҳосил қилади. Ўтган жойида

майсалар қуриётганини кўриб қоламан. Яшноқ фасл ичра кезган ёвуз шарпа бўлиб туюлади” [6]. Сиртдан қараганда, табиат ва инсон мувозанатига дахл қилган ёзувчининг, чуқурроқ назар ташланганида, жамият ва шахс муносабатларига нозик ишораси мавжудлигини сезиш қийин эмас. Аммо хулоса чиқаришни у китобхонга қолдиради. Асарда қўлланилган контраст усули ёзувчига шундай имкониятни берган.

Контраст ҳолатлар тасвири асарнинг тил хусусиятларида яққол намоён бўла боради. “Жуда сайрагиси келсаям, яқиндагина ўлим нафасидан ҳайиққани учун сас чиқаролмасмикин?” [6] (сайраш ва сас чиқара олмаслик); “Баҳорда элнинг бепоён кенгликларига бунақа яратиклар сон минглаб дунёга келади. Қанчаси яшаб, қанчаси ўлиб кетиши ҳам номаълум” [6] (яшаш ва ўлиб кетиш), “У манзаралар ортида баҳайбат, ҳаёт деган яшноқ тирикликни сўлдириб, аста-секин бостириб келадиган ғалати бир қиёфа сезилгандек бўлаверади” [6] (ҳаёт, яшноқ тириклик ва сўлдириш ва аста-секин бостириб келадиган ғалати бир қиёфа); “Агар кўлда эмас, кўлмақда дунёга келсайди, ўз-ўзидан ҳалок бўлиб кетарди” [6] (кўл ва кўлмақ, дунёга келиш ва ҳалок бўлиш) ва хоказо. Кўриятгани, ҳикояда контраст зидликни ифода этувчи сўз ва бирикмаларда ҳам намоён бўлган ва улар бадий ифоданинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи Исажон Султон “Олисдаги урушнинг акс-садоси” ҳикоясида ижодий ният ва ифода услубида мутаносиб усул ва воситаларни танлаш орқали бадий маҳоратга эришган. Асар таҳлили асосида таъкидлаш мумкинки, бадий адабиётда синалиб келинаётган контраст усули адиб ижодида янгича қирраларда қўлланилди ва ижодкорнинг бадий мақсадини очиб беришда муҳим аҳамият касб этди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Axmedov S., Qosimov B., Qo`chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. – Toshkent, Sharq, 2015. – 176 b.
2. Ахмедова Ш. Н. ПРОГРЕСС ПОРТРЕТОПИСАНИЯ В ПЕРИОД ГЛОБАЛИЗАЦИИ В ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 12-14.
3. Davronova S. UZBEK NOVEL IN THE INDEPENDENCE PERIOD: TRADITION AND NOVELTY ISSUES.
4. Norova N. B. CREATIVE ABILITIES OF THE ARTIST IN THE APPLICATION OF THE ART (ON THE EXAMPLE OF THE LYRICS OF OSMAN KOCHKAR) //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 5. – С. 214-221.
5. Ойбек Мукамал асарлар тўплами. Ўн тўртинчи жилд. – Тошкент, Фан, 1979. – 442 б.
6. Султон И. Олисдаги урушнинг акс-садоси. / Генетик. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2014. – Б. 351-357.
7. Sharipova L. F. Literary riddles //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 10. – С. 342-346.
8. Torayeva U. R. DEFINITION AND RESEARCH METHODS OF UZBEK MODERN LITERATURE //CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758). – 2021. – Т. 2. – №. 10. – С. 104-107.
9. Ўрозбоев Ф. Исажон Султон ҳикояларида конфликтлик ва психологизм. // Шарқ юлдузи, 2021. – № 5. – Б. 74-77.
10. Qodirova N. S. Problems Of Style And Creative Individuality In Literature //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 25. – №. 2. – С. 254-260.
11. Қурунов Д., Мамажонов З. Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент, Akademnashr, 2013. – 408 б.